

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР
ТУШУНЧАСИ****Жуманиёзов Нодирбек Ғиёс ўғли***Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси*jumaniyozovnodir0@gmail.com

+998972035351

Аннотация:

Долзарблиги: Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда бот-бот вояга етмаганларга нисбатан тажовузлар содир этилаётгани ҳақида хабарлар тарқалаяпти. Ҳатто, бу воқеаларнинг айримлари болаларнинг ўлими билан тугамоқда. Кенгроқ миқёсда қаралганда, нафақат бизда, балки бутун дунё бўйлаб педофилия билан боғлиқ жиноятлар сони ошаётганини кузатиш мумкин. Бу турдаги жиноятларни камайтириш, бутунлай йўқотиш учун тегишли кескин чоралар кўриш вақти етди. Яқинда кетма-кетликда рўй берган ҳолатлар: Тошкентда ўн икки ёшли қизнинг фожиали ўлими, Хоразмдаги воқеалар вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик мавзусидаги муҳокамаларнинг салмоқли кўпайишига олиб келди. Оммада талай хато қарашлар, фикрлар кузатилди, иккала ҳолатга ҳам бир нуқтадан қаралди. Жамиятда бу масалада билимнинг етишмаслиги кўринди, натижада муаммо билан курашишда тўсиқлар вужудга келиши мумкин. Ушбу мақолада, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш жиноятига қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибалар таҳлили ҳамда ушбу жиноят учун жавобгарлик масалари ёритилган.

Калит сўзлар: *16 ёшга тўлмаган шахс, жинсий алоқада бўлиш, дахлсизлик, педофилия, жисмоний зўравон, жинсий эркинлик.*

Жиноятчилик ижтимоий-ҳуқуқий ходиса бўлиб, мураккаб ва кўп қиррали ҳисобланади. Жиноятчилик ижтимоий соҳаларда мавжуд бўлган қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, барча жиноятларнинг умумий миқдор кўрсаткичларини ташкил қилади. Шу қатори, жиноят қурбонларини муҳофаза ва тадбиқ қилиш масалалари ҳам жиноятчиликнинг детерминантларини ташкил қилади.

Жамиятда шахс ҳуқуқ ва манфаътларини химоя қилишда шахснинг айниқса, вояга етмаганларнинг жинсий эркинлиги ва дахлсизлигини жиноят қонуни билан муҳофаза қилиш масаласи хар қачон ҳам долзарб ҳисобланади. Шахсга қарши қаратилган энг оғир жиноятлардан бўлган жинсий жиноятларга қолаверса, вояга етмаганларнинг жинсий эркинлиги ва дахлсизлигини бузишга қаратилган жиноятларга жиноят қонунда оғирроқ жазо назарда тутилганига қарамай, улар хануз умумий жиноятчиликнинг салмоқли қисмини ташкил қилмоқда. Шунингдек, ушбу жиноятлар натижасида етказилган зарар ҳам

каттадир. Шунга қарамасдан, ушбу жиноятларни илмий тадбиқ этиш ва чуқур ўрганиш халигача эътибордан четда қолиб келмоқда.

Жинсий муносабатлар фуқароларнинг, хусусан, махсус муҳофаза остига олинган вояга етмаганларнинг руҳий ва маънавий-ахлоқий жихатлари билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам ушбу соҳада содир этиладиган “жинсий жиноятлар” деб номланувчи қилмишларни жахондаги барча давлатлар ўз қонунларида турли гуруҳларга ажратганлар, унга баҳо беришга ҳаракат қилганлар ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Вояга етмаган шахснинг жинсий ҳаётга барвақт жалб қилиниши унинг жисмоний ва руҳий соғлиғига катта зарар етказишини ҳисобга олиб, унинг жинсий дахлсизлиги ҳимоя остига олинган ижтимоий қадриятлар билан бир қаторга қўйилиши лозим. Болаларнинг жинсий дахлсизлигини муҳофаза қилиш доимо Ўзбекистон жиноят ҳуқуқининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланган ва шундай бўлиб қолмоқда⁴⁸.

Сўнги йилларда, жинсий жиноятлар қаторида вояга етмаганларнинг жинсий эркинлиги ва дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни ўрганиш натижалари бўйича тадқиқот олиб бориш долзарб ҳисобланади. Айрим олимлар томонидан ушбу жиноятларнинг жинсий-ҳуқуқий ва криминологик жихатлари ўрганилган бўлсада, “жинсий жиноятлар”, “вояга етмаганларнинг жинсий эркинлиги”, “вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги” тушунчалари, уларнинг турлари ва айрим таркибига алоқадор бир қанча масалалар халигача батафсил ёритилмаган ҳамда бугунги кунда ҳам кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Юқоридаги атамалар юридик адабиётларда турлича ифодаланган. Масалан, П.И. Люблинский “жинсий” сўзи номақбул эканлиги туфайли, уларни “жинсий соҳадаги ёки жинсий муносабатлар соҳасидаги жиноятлар” деб аташни таклиф этган. Л.Францель ва Г.Веберлар “жинсий жиноятлар”⁴⁹ тушунчаси жинсий соҳадаги барча муносабатларни тўлиқ қамрай олмаслигини изохлаб, ушбу тушунчани “ахлоққа қарши жиноятлар” тушунчаси орқали қўллаш лозимлигини ва ахлоққа қарши жиноятлар деганда жинсий муносабатлар соҳасидаги жиноятлар тушунилишини, сабаби улар жамиятда одамлар ўртасида мавжуд бўлган соғлом муносабатларга тажавуз қилишини таъкидлашган.

А.Н.Игнатов бу жиноятларни “ахлоққа қарши жиноятлар” деб атаб, кавс ичида “жинсий жиноятлар” деб кўрсатади ва буни ушбу жиноятлар ахлоқ қоидаларини қўпол равишда бузиш, ўта кетган ахлоқсизликнинг энг тубан кўриниши эканлигини билдиради. Унинг фикрига кўра, ҳар қандай жиноят

⁴⁸ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жихатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.

⁴⁹ Люблинский. П.И. Преступления в области половых отношений. – М. –Л.: 1985.

ғайрихуқуқий қилмишдир, бироқ жинсий жиноятлар ғайриахлоқий хисобланиб, улар асосан ахлоқ қоидаларини бузиш билан боғлиқдир⁵⁰.

Қолаверса, Ўрта асрларда Европадаги бир қатор давлатларда бундай жиноятлар “шаҳвоний жиноятлар” деб номланиб, бу турдаги қилмишлар уларни оғир гуноҳ деб таъкидловчи черков таълимотида ўз ифодасини топган ва шу асосга кўра жинсий жиноятлар черков судларига тааллиқли бўлган.

XIX аср бошларидан Австрия ва баъзи герман давлатлари ўз қонунларида уларга нисбатан “одобсизлик” атамасини қўллаган. Шунингдек, 1832 йилги “Жиноятларни огоҳлантириш ва олдини олиш тўғрисидаги Низом”, кейинчалик 1909 йилда қабул қилинган “Жиноят қонунлари тўплами” каби рус қонунларида ҳам “одобсизлик” атамаси қўлланилган⁵¹.

Шу ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, бу борадаги жиноят қонунчилигининг таҳлили ушбу жиноятларнинг тушунчаси ва номланишида, жинсий муносабатлар соҳасида у ёки бу тажовузларни жиноят деб баҳолаш борасида фикрлар хилма-хиллигини кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар ҳам жинсий жиноятлар бўйича жиноят-ҳуқуқий муаммоларни ўз монографиялари, илмий асарлари, ўқув қўлланмалари ва мақолаларида ёритишга ҳамда тушунтиришга ҳаракат қилиб, уларга таъриф бериб ўтишган. Масалан, профессор П.И.Люблинский жинсий жиноятлари “шахсий ёки бошқа шахсларнинг жинсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган, ўзининг объектив хусусиятига кўра жинсий муносабатларнинг ижтимоий тартибини бузувчи жиноятлар”⁵² деб таърифлайди.

М.Г.Шаргородский, В.Н.Сафронов ва Н.М.Свидлов уларни “катталар (вояга етганлар)нинг жинсий эркинлигига қарши, шунингдек, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва нормал (одатдаги) тартибига қарши жиноятлар” сифатида тавсифлайди⁵³.

И.И.Слуцкий эса “жинсий муносабатлар соҳасидаги жиноятлар – бу болалар (вояга етмаган)нинг жинсий дахлсизлиги, катталар (вояга етганлар)нинг жинсий эркинлиги, шунингдек, жинсий муносабатларнинг нормал одатдаги тартиби ва ижтимоий ахлоққа қарши тажовузлар” деб

⁵⁰ Игнатов А.Н. Квалификация половых преступлений. Для служебного пользования. – М.:Юридическая литература, 1974. – С.44-45.

⁵¹ Рус давлатида вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлиги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари билан батавсил танишиш учун (қараг): Пудовочкин Ю.Е. Ювенальное уголовное право: теоретико-методологические и историко-правовые аспекты. –М., 2000. –С. 40.

⁵² Люблинский И. Преступления в области половых отношений. –М: ЛД Френкель, 1925. – С.21.

⁵³ Шаргородский М.Д. Ответственность за преступления против личности. –Л: ЛГУ, 1963. –С. 95; Сафронов В.Н., Свидлов Н.М. Вопросы квалификации половых преступлений. Учебное пособие / Науч. ред. В.Г. Беляев. –Волгоград: ВСШ МВД СССР, 1984. –С. 3-4.

таърифлар, уларга “инсоннинг шаъни ва қадр-қимматига қарши қаратилган жиноятларнинг тури” сифатида қарайди⁵⁴.

Профессор Ю.А.Гуркиннинг таърифлашича, жинсий жиноятлар шахснинг жинсий дахлсизлигига, жинсий муносабатлар соҳасида жамиятнинг ахлоқий асосларига тажовуз қилувчи жиноят қонунида белгиланган жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи ижтимоий хавфли қилмишлардан иборат⁵⁵.

Профессор Ф.Тохировнинг фикрича, жинсий жиноятлар – жамиятда қарор топган жинсий муносабатларга тажовуз қилувчи, субъектнинг ёки ўзга муаян шахснинг жинсий эҳтиёжини қондириш мақсадида жабрланувчининг жинсий манфаатларини ёки бу тартиб учун одатий (нормал) бўлган турли жинсдаги шахслар ўртасидаги жинсий муносабатларни бузувчи сексуал ҳаракатларни қасдан содир этишда акс этадиган, жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлардир⁵⁶.

“Юридик луғат”да эса мазкур турдаги жиноятлар “шахсга қарши, аникроғи, бошқа шахснинг жинсий дахлсизлигига қарши, асосан аёл, ёш болалар, вояга етмаган ҳамда жинсий етукликка эришмаган шахсларнинг нормал (одатдаги) жинсий ривожланишига қарши жиноят”⁵⁷ деб таърифланади.

Баъзи бир давлатлар (Швейцария, Аргентина, Руминия)нинг жиноят қонунида жинсий жиноятлар “ахлоққа қарши жиноятлар” деб аталади. Бу турдаги жиноятлар Япония Жиноят кодексида “жамиятнинг яхши одатларига қарши қилмишлар”, Болгария Жиноят кодексида эса “бузуқлик” деб номлаган. Шариатда, ислом ҳуқуқи (фиқҳ)да мазкур жиноятлар “зино”⁵⁸ деб номланиб, қаттиқ жазоланган. Ушбу турдаги жиноятлар биринчи марта РСФСРнинг 1922 йилги Жиноят кодексида “жинсий муносабатлар соҳасидаги жиноятлар” номи билан аталиб, “шахснинг ҳаёти, соғлиги, озодлиги ва қадр-қимматига қарши жиноятлар” бобига киритилган.

Назаримизда, жинсий жиноятлар тушунчасини ахлоққа қарши жиноятлар деб аташ тўғри бўлмайди. “Жинсий жиноят” тушунчаси “ахлоқ” тушунчасидан анча торроқ тушунча бўлиб, бир-бирини тўлдириб келмайди. Чунки, ҳар қандай жиноят содир этилган вақтда жамиятда амалда бўлган одоб-ахлоқ қоидалари бузилади.

Олимлардан И.Я. Фойницкий ва П.И. Люблинский⁵⁹лар ҳам “жинсий жиноятлар” тушунчаси “ахлоқ” тушунчасига

⁵⁴ Советское уголовное право (Особ. часть) / И.И. Сеницкий и др. –Л: ЛГУ, 1959. –С. 158.

⁵⁵ Сексуальное насилие у подростков. Пособие для врачей-курсантов. Под редакцией профессора Ю.А.Гуркина. – Санкт-Петербург: ППИИ, 1997. –С.3.

⁵⁶ Тохиров Ф. Шахсга қарши жиноят ёхуд жинсий қилмишларга доир муамоллар // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2003. -№6. –Б. 17.

⁵⁷ Юридический словарь. В 2-х т. –М: Юридическая литература, 1997. Т.2. – С. 228.

⁵⁸ Ислом: справочник. М.А.Усмонов таҳрири остида. –Т: Ўзбек Энциклопедияси Бош РЕдакцияси, 1989. –Б. 121

⁵⁹ Люблинский П.И. Квалификация половых преступлений. Для служебного пользования. – М.:Юридическая литература, 2014. – С.202.

мос келмаслигини таъкидлаб, Жиноят кодексида жинсий жиноятларнинг ахлоққа қарши жиноятлар деб номланиши, “ахлоқ” тушунчасининг тор маънога эга бўлиб қолишига ва ахлоқий нуктаи-назарни юридик нуктаи назар билан чалкаштириб юборилишига сабаб бўлишини ёзиб ўтишган. Шунингдек, айрим давлатларнинг амалдаги жиноят кодексларида жинсий жиноятларни умумлаштирувчи махсус атама мавжуд эмас. Бу жиноят кодексларининг умумий тузилиши билан боғлиқ бўлиб, боб ичида алоҳида ном билан ажратиб кўрсатилмаган⁶⁰.

Шунга қарамасдан, ушбу жиноятлар туфайли шахсларнинг жинсий эркинлиги бузилишини инobatга олиб, “жинсий жиноятлар” деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, “жинсий жиноятлар” тушунчасига муаллифлик тарифини беришдан олдин, “вояга етмаганларнинг жинсий эркинлиги” ҳамда “вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги” тушунчаларини ҳам чуқур ўрганиш тадқиқотнинг асосий вазифаларидан биридир.

Юқорида келтириб ўтилган таърифлар ҳар доим ҳам жинсий жиноятларни объектив томондан бир хил бўлган бошқа жиноятлардан ажратишнинг имконини бермайди. Бундан ташқари уларнинг муаллифлари маълум хатоларга йўл қўйганлар: улар жинсий жиноятларга жинсий дахлсизликка ёки жинсий эркинликка қарши тажовужлар сифатида қарасаларда, ушбу турдаги жиноятларга таносил касаллигини юқтириш, кўп хотинлилик, фоҳишахона сақлаш, порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш, шунингдек, бошқа тажовуз объектларига қаратилган, аммо жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка қарши қаратилмаган жиноятларни ҳам киритганлар.

Бундан ташқари, олимларнинг жинсий жиноятларга берган таърифларидан жинсий муносабатлар соҳасида содир этиладиган қилмишларда вояга етмаган ва вояга етганларнинг икки томонга “ажралиш” бўлганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат вояга етганларга нисбатан жинсий эркинлик, вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизлик тушунчалари орқали намоён бўлади⁶¹. Лекин шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим ҳолатларда вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигига ҳам тажовуз қилиниши мумкин. Масалан, 16-17 ёшларда бўлган вояга етмаган шахс билан жинсий алоқа қилинганда жинсий тажовуз объекти жинсий дахлсизлик эмас, балки жинсий эркинлик ҳисобланади. Шў ўринда “вояга етмаган”, “жинсий эркинлик” ва “жинсий

⁶⁰ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.

⁶¹ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.

дахлсизлик” деган тушунчаларни фарқларини билиб олиш билан бирга ушбу тушунчалардаги айрим муаммоларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 29-сентябрдаги ЎРҚ 263-сонли Қарорнинг 3-моддасида вояга етмаган шахс таърифи берилган бўлиб, унга кўра “вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс” – деб, белгиланган.

Демак, вояга етмаган шахслар дейилганда ўн саккиз ёшга тўлмаган болалар тушунилади. Амалдаги қонунлар билан белгиланган бола ҳуқуқлари уларни туғилиши билан вужудга келади. Уларнинг муомала лаёқати ҳар бир давлатларнинг тегишли қонунлари билан тартибга солинади.

Айрим мамлакатларда вояга етганлик факти ёш цензи билан эмас, балки инсон ҳаётидаги у ёки бу юридик фактнинг содир этилиши билан белгиланади. Мисол учун, Африканинг бази давлатларида шахс никоҳга кириб оила қурганидан сўнггина, Американинг баъзи штатларида эса, оила қуриб, фарзанд кўргандагига вояга етган деб ҳисобланади⁶².

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да, 1924 йил 26 сентябрда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари Женева Конвенцияси”да ва 1959 йил 20 ноябрдаги “Бола ҳуқуқлари” Декларациясида вояга етмаганлар доирасини белгиловчи норма мавжуд эмас⁶³.

Мазкур тушунчага янги даврга келиб, яъни 1989 йилдаги БМТнинг “Бола ҳуқуқлари” Конвенциясида “бола” тушунчасига тариф берилади. Ушбу Конвенциянинг 1-моддасида берилган таърифга асосан, бола бу агар қонун бўйича ушбу болага вояга етганлик олдиндан белгиланмаган бўлса, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай инсон ҳисобланади. Шунингдек Конвенцияга мувофиқ, болалар нафақат пассив ғамхўрлик объекти сифатида, балки махсус ҳуқуқлар тўпламига эга шахслар сифатида қаралади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бу борада кўплаб муаммолар ва чалкашликлар мавжуд. Юқорида таъкидлаганимиздек, вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс” – деб, белгиланган. Бола таърифи эса, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 2008 йил 07 январдаги ЎРҚ 139-сонли Қонунида **бола (болалар)** — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар), - деб, таърифланган. Кўриниб турибдики, ушбу таърифлар беярли бир хил бўлиб, бир-бирини ҳар доим тўлдириб келади. Аммо, қонунлардаги бир хил маъноли тушунчаларни умумлаштириш яъни бирхиллаштириш лозим. Бу эса қонунчиликни қўллаш амалиётидаги чалкашликларни олдини олади.

“Бола” тушунчаси кенг маъноли бўлиб, “вояга етмаган” тушунчасини ҳам қамраб олади. Халқаро даражадаги барча қонун ҳужжатларида 18 ёшга тўлмаган

⁶² Yhoga zaw of persons//Rwading in African Zaw.http://books.google.co.uz.

⁶³ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. –Тошкент. Адолат, 1999. -80 б.

шахс сифатида “бола” атамасидан фойдаланилади (Бола ҳуқуқлари Женева Конвенцияси, “Бола ҳуқуқлари” Декларацияси).

Шунингдек, жaxonда, “вояга етмаганлар” тушунчаси деярли ишлатилмайди. Марказий Осиё давлатлари орасида ҳам ушбу тушунча “бегона” хисобланади. Таъкидлаб ўтганимиздек, вояга етганлик факти ёш цензи билан эмас, балки инсон ҳаётидаги у ёки бу юридик фактнинг содир этилиши билан белгиланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2022 йил 06 июльдаги 363 сонли Қарори билан вояга етмаганлар масалалари бўйича миллий комиссия тугатилиб, болалар масалалари бўйича миллий комиссия сифатида қайта ташкил этилди. Бу эса, ушбу соҳада амалга оширилган илк қадамдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, амалда бўлган қонун (жиноят қонуни) ҳужжатларидаги “вояга етмаган” ва “бола” тушунчаларини бирхиллаштириш ҳамда умумий маънода “бола” тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Шуларни хисобга олган холда тадқиқот мавзуси бундан буён матнда “болаларнинг жинсий дахлсизлиги” деб юритилади.

Жиноят қонунчилигимиз бўйича жинсий дахлсизлик шахсда туғилганидан бошлаб 16 ёшгача давом этади. Бу ёшдаги шахс билан ҳаттоки у хоҳласа ҳам жинсий алоқа қилиш жиноят (ЖК 128-модда) хисобланади. Жинсий эркинлик эса 16 ёшга тўлгандагина вужудга келади ва бу дегани 16 ёшдан юқори шахс ҳар қандай 16 ёшдан юқори бошқа жинсдаги шахс билан алоқага киришиши мумкин дегани. Қонунан буни чеклашни иложи йўқ. Битта одамни ким биландир “ётиши” эса бу унинг мутлақ жинсий эркинлигидаги ҳуқуқидир.

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, болаларнинг 16 ёшгача жинсий дахлсизлиги, 16 ёшдан 18 ёшгача эса жинсий эркинлиги мавжуд бўлади. Тадқиқот доирасида эса биз, фақат болаларнинг жинсий дахлсизлигини тадбиқ этишга қарор қилдик.

Қонун чиқарувчи томонидан 16 ёшга тўлмаган болаларнинг жинсий муносабатлар соҳасида иштирок эта олмасликлари тўғри белгилаган. Чунки бу ерда жиноят ҳуқуқи нормаларининг мазкур соҳадаги муҳим аҳамиятга эга бўлган муносабатларни устувор тарзда ҳимоя қилиниши таъминлаш функцияси кўзга кўринади.⁶⁴

Болаларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши тажовузларнинг умумий белгиларини ҳисобга олиб, ушбу жиноят таркиблари тизимини болаларнинг жинсий манфаатларига тажовуз қиладиган ҳамда уларга нисбатан қасддан содир этиладиган шахвоний характердаги ижтимоий хавfli қилмишларни юридик тавсифини ўзида намоён қилувчи таркиблар йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин.

⁶⁴ Мальцев В.В. Введение в уголовное право. –Волгоград, 2000. –С.47

Ушбу мавзуда тадқиқот олиб борган кўплаб олимлар, масалан, А.Н.Игнатов, П.И.Люблинский, Ю.К.Сущенко, П.П.Осипов, Б.А.Блиндер, А.Халиков, Ю.М.Антонян, Б.В.Даниэльбек, А.А.Жижиленко, И.Я.Фойницкий кабилар жинсий жиноятлар тушунчасига таъриф берган бўлсаларда, айнан болалар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятлар тушунчасига ўз таърифларини бермаганлар. Ўз навбатида, бундай тушунчанинг аниқ таърифини ифодалаш мазкур гуруҳга кирувчи ижтимоий хавfli қилмишлар доирасини белгилаб олиш, шунингдек, уларнинг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий ва криминологик хусусиятларини аниқлаб олиш учун муҳимдир.

Олимлардан А.С. Кучинов ва Б.Ю. Флоренсий⁶⁵лар болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилаган жиноятларни “Жинсий жиноятлар” сифатида эмас, балки, давлатга қарши қаратилган жиноятлар сифатида бахоланиши лозимлигини таъкидлаб, болаларга нисбатан ҳар қандай “жинсий зўравонлик”ни жиноят сифатида қаралишини илгари суришади.

Профессор Қ.П. Пайзуллаев эса⁶⁶, вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятлар деганда, жиноят қонуни билан муҳофаза этиладиган 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий эркинлиги, шунингдек, уларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан нормал ривожланишига қарши қаратилган ҳуқуққа хилоф ижтимоий хавfli қилмишлар тушунилиши лозимлигини таъкидлайди.

Профессор А.С.Наимовнинг таъкидлашича⁶⁷, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятлар “педофиллар” томонидан қасдан содир этиладиган ҳамда субъектнинг жабрланувчига нисбатан онгли равишда қонун билан қўриқланадиган жинсий дахлсизлигига зарар етказувчи ҳаракатлари тушунилади.

Юқоридаги олимлар қарашларига қўшилган ҳолда болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлари бўйича қуйидагича муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик:

болаларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятлар деганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий эркинлиги, шунингдек, уларнинг нормал ривожланишига қарши қаратилган ғайриижтимоий қасдан содир этилган қилмишлари тушунилиши керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, болаларнинг жинсий дахлсизлиги ҳамда эркинлиги масалалари барча даврларда ҳам баҳс-мунозарали бўлиб келган. Айрим давлатларда алоҳида тартибда “болаларнинг жинсий дахлсизлигига

⁶⁵ Флоренций Б.Ю. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 1959. – С. 287.

⁶⁶ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.

⁶⁷ Наимов.А.С. Преступления против жизни, здоровья, свобода и достоинства личности. – М.: ВЗЮИМ, 1959. – С.64.

қаратилган жиноятлар” учун жавобгарлик мавжуд эмас (Буринди, Гамбия, Танго, Чад ва х.к) бўлсада, айрим давлатларда ушбу жиноятлардан муҳофаза қилиш мамлакат конституциясида белгиланган (АҚШ, Туркия, Эрон, Мексика). Бундан кўриниб турибдики, ушбу жиноятлар учун жавобгарлик масаллари турли хил давлатларда турлича ёндашувлар асосида белгиланади. Аммо, болаларнинг жинсий дахлсизлиги хар қачон ҳам давлат даражасида муҳофаза қилинмаса, ушбу жиноятларни камайтириш бўйича биз кутган натижани ола олмаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.
2. Советское уголовное право (Особ. часть) / И.И. Сеницкий и др. –Л: ЛГУ, 1959. –С. 158.
3. Сексуальное насилие у подростков. Пособие для врачей-курсантов. Под редакцией профессора Ю.А.Гуркина. – Санкт-Петербург: ППМИ, 1997. –С.3.
4. Тоҳиров Ф. Шахса қарши жиноят ёхуд жинсий қилмишларга доир муамоллар // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2003. -№6. –Б. 17. Юридический словарь. В 2-х т. –М: Юридическая литература, 1997. Т.2. – С. 228.
5. Флоренций Б.Ю. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 1959. – С. 287.
6. Наимов.А.С. Преступления против жизни, здоровья, свобода и достоинства личности. – М.: ВЗЮИМ, 1959. – С.64.
7. Рус давлатида вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлиги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари билан батавсил танишиш учун (қаранг): Пудовочкин Ю.Е. Ювенальное уголовное право: теоретико-методологические и историко-правовые аспекты. – М., 2000. –С. 40.